



Ленин ўлганидан сўнг, партиядаги иккинчи одам ҳисобланган ўртоқ Троцкий хоин экани маълум бўлди. Каменев, Зиновьев, Бухарин ва Сталин Троцкийни ағдариб, уни СССРдан ҳайдашди. Бирок ордан икки-уч йил ўтиб, Каменев, Зиновьев ва Бухаринлар ҳам хоин эканини маълум бўлди. Ўшанда довурак ўртоқ Генрих Ягода уларни отиб ташлади. Аммо, яна оз вақт ўтиб, душман жосуси сифатида Ягоданинг ўзини Ежов отиб ташлади. Бирок, орадан яна бир икки йил ўтиб, Ежов ҳам ўртоқ эмаслиги ва у ҳам хоин ва душман жосуси экани аниқланди. Энди Ежовни Берия отиб ўлдирди. Сталиннинг ўлиmidан сўнг, Бериянинг ҳам хоин экани маълум бўлди. Шунда Жуков уни ағдариб, Берияни ҳам отиб ташлашди. Бирок, шундан сўнг Хрущев Жуковнинг ҳам душман ва фитнчи эканини билиб қолди ва Жуковни Урал ортига бадарга қилди. Орадан яна вақт ўтиб, Сталин ҳам душман, бузғунчи ва хоин экани маълум бўлди. У билан бирга политбюронинг ақсар қисми ҳам... Сталин мавзолейдан чиқариб ташланди, политбюро ва уларга қўшилган Шепиловни Хрущев бошчилигидаги тўғри йўлдаги партиячилар тор-мор қилди... Орадан яна бир неча йил ўтиб Хрущев ҳам муттаҳам ва душман экани аниқланди. Ўшанда Брежнев Хрущевни нафақага чиқариб юборди. Қўп вақт ўтмай Брежнев ҳам ўлди ва у ҳам мараз, зарарқунанда ва тургунлик йиллари сабабчиси экани маълум бўлди. Ундан сўнг яна иккита мараз бўлди. Улар паша қаби тез ўлиб қолганлари учун уларни эслаб қолишга имкон бўлмади. Бирок, энди иқтидорга ёш ва сергайрат Горбачев дегани қолди. Энди маълум бўлишича, бутун бошли партиянинг ҳаммаси душман ва зарарқунандалардан иборат экан ва

СССРнинг кискача тарихи

Муаллиф:

25.11.2024 12:43 -

Горбачев хаммасини энди ислох килармиш...

Шу махал СССР парчаланиб кетди. Горбачев хам душман ва соткин экан.

Александр Жуков

Абу Муслим таржимаси